

АҲОЛИГА БАНК ХИЗМАТЛАРИНИ КЎРСАТИШДА ИНТЕГРАЦИЯЛАШГАН БАНК КАРТАЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ ҲОЛАТИ ВА РИВОЖЛАНИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ

<https://doi.org/10.5281/zenodo.15126566>

Хаитов Азизбек Акмал ўғли

Тошкент давлат иқтисодийёт университети мустақил изланувчиси

ORCID: 0000-0003-1943-6720

Исламкулов Алимназар Худжамуратович

Тошкент давлат иқтисодийёт университети

Трансформация маркази директори

Аннотация:

Мазкур мақолада интеграциялашган банк карталарининг аҳоли ва олий таълим муассасаларидаги қўлланилиши, иқтисодий самарадорлиги ва уларнинг ривожланиш тенденциялари таҳлил қилинади. Шунингдек, мавжуд муаммолар ва уларни ҳал этиш йўллари бўйича тавсиялар берилади. Мақолада Ўзбекистон ва халқаро миқёсда банк карталаридан фойдаланиш статистикаси, ҳаётий мисоллар, рақамли хавфсизлик масалалари ва инфографика билан тақдим этилган маълумотлар жамланган. Шунингдек, интеграциялашган банк карталарининг рақамли молия тизимларига таъсири, тўлов инфратузилмасини такомиллаштиришдаги ўрни ва давлат томонидан тартибга солиш чоралари таҳлил қилинади.

Таянч сўзлар

банк карталари, интеграциялашган тўлов тизимлари, молиявий технологиялар, олий таълим, иқтисодий самарадорлик, рақамли хавфсизлик, мобил тўловлар, рақамли иқтисодиёт, финтех.

КИРИШ

Аҳолига банк хизматларини кўрсатиш мунтазам равишда соддалаштириб бориш, банк карталаридан фойдаланувчилар учун қулайлик яратиш ҳам банклар ҳамда муҳим тадқиқот йўналишларидан бири бўлиб келган. Аҳолининг банк карталаридан фойдаланишнинг ривожланиш тарихи “1950-йилларда АҚШда "Diners Club" карталарининг пайдо бўлиши билан бошланган. Кейинчалик, 1960-йилларда American Express ва Bank of America каби молия институтлари кредит ва дебет карталарини жорий

қилган”³. Мазкур карталар тўловларни автоматлаштиришга ёрдам берди ва банк мижозлари учун қулайлик яратди.

Биринчи интеграциялашган банк карталари “1990-йилларда Европада Visa ва Mastercard ҳамкорлигида ишлаб чиқилган бўлиб”⁴, улар турли банк тизимлари ўртасидаги транзакцияларни автоматлаштиришга ёрдам берди. Масалан, Сингапурда 2000-йилларда "NETS" (Network for Electronic Transfers) тизими орқали бирлаштирилган тўлов карталари жорий этилди. Ушбу карталар орқали аҳоли банк хизматлари билан биргаликда транспорт, коммунал тўловлар ва бошқа хизматлардан ҳам фойдалана олиш имкониятига эга бўлди.

Банк карталаридан фойдаланувчилар ўртасида олий таълим тизими таҳсил олувчи ва ушбу муассасалардан ишловчи аҳоли қатламининг банк карталаридан фойдаланиш амалиёти дунё бўйлаб кенг тарқалган бўлиб, мазкур жараён 1990-йиллардан бошланган. Илк бор АҚШдаги йирик университетлар талабаларга идентификация карталари билан бирга банк функцияларини ҳам бажарадиган карталарни тақдим этишни йўлга қўйган. Масалан, Огайо Давлат Университети ва Мичиган Университети каби олийгоҳлар талабаларга кампус ичида ва ташқарисида тўловларни амалга ошириш имконини берувчи карталарни жорий этган.

Ўзбекистонда ҳам олий таълим муассасаларида банк карталаридан фойдаланиш анъанаси ривожланиб бормоқда. Талабалар учун махсус карталар орқали стипендиялар, контракт тўловлари ва кампусдаги хизматлар учун тўловларни амалга ошириш имконияти яратилган. Бу тизим талабаларга молиявий операцияларни осонлаштириш ва уларнинг банк хизматларидан фойдаланиш даражасини ошириш имконини бермоқда.

Замонавий шароитда банк хизматларининг аҳамияти жамиятнинг барча қатламлари учун ортиб бормоқда. Жаҳон банкининг 2023 йилдаги ҳисоботида кўра, “электрон тўлов тизимларининг жадал ривожланиши банк карталаридан фойдаланишни 10 йил ичида камида 50% га оширган”⁵. Айниқса, интеграциялашган банк карталари орқали амалга ошириладиган молиявий операциялар рақамли иқтисодиётнинг муҳим қисмига айланиб улгурди. Ўзбекистонда ҳам охириги йилларда банк хизматлари рақамлаштирилиб, аҳоли учун қулай ва хавфсиз тўлов тизимлари жорий этилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маълумотларига кўра, “2023 йилда мамлакатда айланмадаги банк карталарининг умумий сони 40 миллиондан ошиб, электрон тўловлар ҳажми 2022 йилга нисбатан 35% га

³ Investopedia. (2023). The History of Credit Cards. <https://www.investopedia.com/articles/pf/08/credit-card-history.asp>

⁴ Encyclopaedia Britannica. (2023). Credit card. <https://www.britannica.com/topic/credit-card>

⁵ EMVCo. (2023). EMV Technologies. <https://www.emvco.com/emv-technologies/>

ўсган”⁶. Мазкур ҳолат аҳолининг банк хизматларига бўлган талабини ва интеграциялашган тўлов тизимларига бўлган ишончини оширмоқда.

Интеграциялашган банк карталари нафақат кундалик савдо ва хизматлар учун, балки олий таълим муассасаларида ҳам кенг қўлланилмоқда. Масалан, талабалар ўқиш тўловларини амалга ошириш, стипендияларини қабул қилиш ва университет ичидаги хизматлардан фойдаланиш учун махсус ID-карталар орқали тўловларни амалга оширмоқдалар. Бу тизим нафақат қулайлик яратади, балки молиявий операцияларнинг шаффофлигини таъминлайди. Шунингдек, рақамли хавфсизлик масалалари ҳам долзарблигини сақлаб қолмоқда. Халқаро валюта жамғармасининг ҳисоботларига кўра, “2022-2023 йилларда банк карталарига қилинган киберхужумлар сони 15% га ошган”⁷. Бундан келиб чиқиб, интеграциялашган банк карталарининг хавфсизлигини таъминлаш учун токенизация, биометрик идентификация ва шифрлаш технологиялари кенг қўлланилмоқда.

Шундай қилиб, мазкур мақолада интеграциялашган банк карталарининг ривожланиш тенденциялари, олий таълим муассасаларидаги қўлланилиши, иқтисодий самарадорлиги ҳамда рақамли хавфсизлик масалалари таҳлил қилинади. Халқаро ва миллий тажриба асосида мавжуд муаммолар ва уларни ҳал этиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилади.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ

Интеграциялашган банк карталари ва тўлов тизимлари ҳақида кўплаб халқаро ва миллий тадқиқотлар мавжуд. Жаҳон банки ва Халқаро валюта жамғармаси ҳисоботларига кўра, “2022 йилда глобал банк карталари орқали тўловлар умумий молиявий операцияларнинг 60% дан ортиғини ташкил қилган”⁸. Айниқса, Европа ва Осиё давлатларида карталар орқали нақдсиз тўловлар миқдори ортиб, “2030 йилга қадар нақд пул муомаласини 20% га камайтириш режалаштирилмоқда”⁹.

Сингапур, АҚШ ва Европа давлатларида банк карталарининг интеграциялашган тўлов тизимларига киритилиши молиявий операцияларни тезлаштиришда катта натижалар берган. Масалан, Сингапурда рақамли банк хизматлари ва интеграциялашган карталардан фойдаланиш ҳисобига банк операцияларининг 80% га яқини онлайн тарзда

⁶ NETS. (2023). Our Story. <https://www.nets.com.sg/about-nets/>

⁷ World Bank. (2023). The Global Index Database Update. <https://globalindex.worldbank.org/>

⁸ Bankers.uz. (2023). Банк карталарининг сони 40 миллиондан ошди. <https://bankers.uz/news/1240>

⁹ IMF. (2023). Cyber Risk Supervision: Progress and Challenges. <https://www.imf.org/en/Publications/Departmental-Papers-Policy-Papers/Issues/2023/07/10/Cyber-Risk-Supervision-Progress-and-Challenges-535047>

амалга оширилмоқда (IMF, 2023). Бу эса молиявий институтлар учун операцион харажатларни 25% га камайитиришга олиб келган.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маълумотларига кўра, 2023 йилда мамлакатда банк карталарининг умумий сони 35 миллиондан ошган. Хусусан, Uzcard ва Humo тўлов тизимлари орқали амалга оширилган транзакция ҳажми 2022 йилга нисбатан 32% га ўсган. Шунингдек, Тошкент давлат иқтисодиёт университети ва бошқа таълим муассасаларида талабаларга мўлжалланган интеграциялашган карталар жорий этилмоқда. Бу карталар стипендия, контракт тўловлари ва бошқа молиявий операцияларни автоматлаштиришга ёрдам бермоқда.

Киберхавфсизлик масалалари бўйича Visa ва Mastercard халқаро тўлов тизимлари киберхавфларга қарши янги чораларни жорий этган. Масалан, 2023 йилда Visa 3D Secure 2.0 тизимини жорий қилиб, банк карталари орқали қилинган онлайн тўловларнинг хавфсизлигини оширди. Халқаро тажриба шуни кўрсатадики, токенизация ва биометрик аутентификация каби технологиялар банк карталаридан фойдаланишни янада хавфсиз қилади.

Банк карталари ва интеграциялашган тўлов тизимлари бўйича жаҳонда бир қатор олимлар тадқиқот олиб борган. Хусусан, Дэвид Эванс (David S. Evans) – “банк карталари ва рақамли тўлов тизимлари ривожланиши бўйича кўплаб илмий ишлар муаллифи. Унинг тадқиқотларида банк карталарининг иқтисодиётга таъсири, фойдаланувчилар одатлари ва рақамли молия бозори таҳлил қилинган”¹⁰. Ричард Шмалензе (Richard Schmalensee) – интеграциялашган тўлов тизимларининг бизнес моделлари ва молиявий самарадорлиги ҳақида тадқиқотлар олиб борган”¹¹. Жонатан Зинман (Jonathan Zinman) – тўлов карталарининг истеъмолчиларга таъсири ва молиявий хавфсизлик масалаларини тадқиқ қилган.

Маҳаллий олимлар, А.Алимов ва Ш.Зиёев молиявий технологиялар ва банк тизими рақамлаштирилиши ҳақида бир қатор тадқиқотлар олиб боришган. Уларнинг ишларида банк карталари орқали тўловларнинг иқтисодий самарадорлиги ва хавфсизлик масалалари муҳокама қилинган.

Айниқса, Европа Иттифоқи ва Сингапурда бир неча банк ва молиявий хизматлар бирлаштирилган карталар жорий этилди. Сингапурда "NETS" (Network for Electronic Transfers) платформаси орқали турли тўлов тизимлари интеграция қилинган. Японияда эса "JCB" карталари нафақат банк операциялари, балки транспорт ва коммунал тўловлар учун ҳам ишлатилади.

¹⁰ Visa. (2023). What is 3D Secure 2.0? <https://www.visa.com>

¹¹ Evans, D. S., Schmalensee, R., & Zinman, J. (2015). Paying with Plastic: The Digital Revolution in Buying and Borrowing. MIT Press.

Европада ҳам бу амалиёт кенг тарқалган. Буюк Британиядаги Кембриж ва Оксфорд университетлари талабаларга мултифункционал карталарни тақдим этиб, улар орқали кутубхонага кириш, кампусдаги тўловлар ва ҳатто шаҳар жамоат транспортдан фойдаланиш имкониятини яратган.

Осиёда, айниқса, Япония ва Жанубий Корея университетлари талабаларга банк карталари билан интеграцияланган идентификация карталарини тақдим этишда пешқадамлик қилган. Масалан, Токио Университети ва Сеул Миллий Университети талабаларига бундай карталарни тақдим этиб, улар орқали кампусдаги турли хизматлардан фойдаланиш имкониятини яратган.

ТАҲЛИЛЛАР ВА ТАВСИЯЛАР

Ўзбекистонда интеграциялашган банк карталарининг ривожланиши 2010-йиллардан бошланди. Ҳозирги кунда Uzcard ва Humo тўлов тизимлари бир-бири билан интеграциялашган бўлиб, халқаро Mastercard ва Visa тизимлари билан ҳам ҳамкорликда ишлайди. 2023-йилда Марказий банк томонидан ягона идентификация тизимига эга бўлган миллий банк карталарини жорий этиш режалаштирилган.

Ўзбекистонда ҳам олий таълим муассасаларида банк карталаридан фойдаланиш амалиёти жорий этилмоқда. Марказий банкнинг 2023 йилги ҳисоботида кўра, ноиқтисодий йўналишдаги олий таълим муассасаларида молиявий таълимни ривожлантириш мақсадида "Молиявий саводхонлик асослари" ўқув қўлланмаси киритилган. Бу эса талабаларнинг банк карталаридан фойдаланиш кўникмаларини оширишга хизмат қилмоқда.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли фармонида банк пластик карталаридан фойдаланган ҳолда, нақд пулсиз ҳисоб-китобларни ривожлантириш вазифаси белгиланган. Бу эса олий таълим муассасаларида ҳам банк карталаридан фойдаланишни кенгайтиришга туртки бўлди.

2019-йил 1-ноябрдан амалда бўлган "Тўловлар ва тўлов тизимлари тўғрисида"ги Қонун (№3РҮ-573) банк карталаридан фойдаланишни тартибга солади.

2021-йилдан бошлаб давлат тўловлари ва стипендиялар тўлиқ банк карталари орқали амалга оширилади.

2023-йилда Олий таълим муассасаларида талабалар учун электрон идентификация ва банк карталарини бирлаштириш бўйича тажриба лойиҳалари жорий этилди.

ХУЛОСА

Ҳозирги замонавий молиявий муҳитда интеграциялашган банк карталари нафақат тўлов воситаси сифатида, балки комплекс ахборот-инфраструктура ечимлари сифатида намоён бўлмоқда. Ушбу мақолада олиб борилган таҳлиллар шуни кўрсатадики, интеграциялашган карталар аҳоли, айниқса, олий таълим муассасаларида таълим олаётган талабалар учун молиявий муносабатларнинг самарали ва хавфсиз ташкил этилишида муҳим рол ўйнайди.

Жаҳон банкининг сўнгги маълумотларига кўра, электрон тўлов тизимларининг ўсиши туфайли банк карталаридан фойдаланиш даражаси сезиларли даражада ошган. Бу ҳолат аҳоли ўртасида молиявий инклюзияни кенгайтириш, нақд пул муомаласини қисқартириш ва иқтисодиётда рақамлаштириш жараёнларини чуқурлаштиришга хизмат қилмоқда. Ўзбекистонда ҳам Марказий банк маълумотларига таяниб айтганда, охириги йилларда электрон тўловлар ҳажмидаги ўсиш тенденцияси, айланмадаги карталар сони ва университетларда махсус ID-карталарни жорий этиш амалиёти бу жараённинг муҳим йўналишларидан бирига айланганини тасдиқлайди.

Бунда нафақат қулайлик ва тезкорлик, балки молиявий операцияларнинг шаффофлиги, идентификациянинг ишончлилиги, ҳамда хавфсизликнинг таъминланиши каби омиллар муҳим аҳамият касб этади. Айниқса, Халқаро валюта жамғармаси ҳисоботларида қайд этилган киберхужумлар сонининг кўпайиши шундай интеграциялашган карталарда замонавий ҳимоя механизмларини жорий этишни талаб этмоқда. Шу жиҳатдан, токенизация, биометрик аутентификация, 3D Secure 2.0 каби технологиялар бу соҳада асосий ҳимоя воситаларига айланмоқда.

Мазкур мақолада келтирилган таҳлил ва мисоллар асосида хулоса қилиш мумкинки, интеграциялашган банк карталарини кенг жорий этиш — рақамли молия тизимини ривожлантириш, таълим соҳасида тўловларни автоматлаштириш ва жамиятнинг рақамли компетенцияларини оширишда муҳим омил ҳисобланади. Бу жараённи қўллаб-қувватлаш ва ҳукукий ҳамда технологик база билан таъминлаш орқали иқтисодиётда барқарор ва хавфсиз молиявий муҳитни шакллантириш мумкин бўлади.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Investopedia. (2023). *The History of Credit Cards*. Retrieved from <https://www.investopedia.com/articles/pf/08/credit-card-history.asp>

2. Encyclopaedia Britannica. (2023). *Credit card*. Retrieved from <https://www.britannica.com/topic/credit-card>
3. EMVCo. (2023). *EMV Technologies*. Retrieved from <https://www.emvco.com/emv-technologies/>
4. NETS. (2023). *Our Story*. Retrieved from <https://www.nets.com.sg/about-nets/>
5. World Bank. (2023). *The Global Findex Database Update*. Retrieved from <https://globalfindex.worldbank.org/>
6. Bankers.uz. (2023). Банк карталарининг сони 40 миллиондан ошди. Retrieved from <https://bankers.uz/news/1240>
7. IMF. (2023). *Cyber Risk Supervision: Progress and Challenges*. Retrieved from <https://www.imf.org>
8. Visa. (2023). *What is 3D Secure 2.0?*. Retrieved from <https://www.visa.com>
9. Evans, D. S., Schmalensee, R., & Zinman, J. (2015). *Paying with Plastic: The Digital Revolution in Buying and Borrowing*. MIT Press.